

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.03.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

САДИРОВА САРВИНОЗ СОБИРОВНА

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДА ТУХУМДОНЛАР ПОЛИКИСТОЗИ
СИНДРОМИНИНГ КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ ВА ГЕНЕТИК ЎЗАРО
БОГЛИҚЛИКЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Садирова Сарвиноз Собировна

Репродуктив ёшда тухумдонлар поликистози
синдромининг клиник-биокимёвий
ва генетик ўзаро боғлиқларни..... 3

Садирова Сарвиноз Собировна

Клинико-биохимические и генетические
взаимосвязи синдрома поликистозных
яичников в репродуктивном возрасте..... 29

Sadirova Sarvinoz Sobirovna

Clinical, biochemical and genetic relationships
of polycystic ovary syndrome in reproductive age..... 56

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 58

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.03.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

САДИРОВА САРВИНОЗ СОБИРОВНА

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДА ТУХУМДОНЛАР ПОЛИКИСТОЗИ
СИНДРОМИНИНГ КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ ВА ГЕНЕТИК ЎЗАРО
БОҒЛИҚЛИКЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib2356 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий - амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб - сахифасида (www.akusherstvo.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Иргашева Севара Утқуровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гилдиева Маргарита Сабировна
биология фанлари доктори

Каримова Феруза Джавдатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «_» ____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўчаси, 132А-уй. Тел: (+99871) 263-33-14, e-mail: info@uzaig.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўчаси, 132А-уй. Тел: (+99871) 263-33-14, e-mail: info@uzaig.uz).

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.С.Надирханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

А.М.Бабаханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

М.М. Асатова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти. Дунёда сўнги йилларда тухумдонлар поликистози синдроми репродуктив ёшдаги аёллар орасида энг кенг тарқалган эндокрин касалликлардан бири ҳисобланади. Бу касаллик ҳайз цикли бузилишлари, бепуштлик ва метаболик бузилишлар билан кечади¹. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, тухумдонлар поликистози синдроми бутун дунё аҳолиси аёлларининг 8-13% ида учрайди, шу билан бирга уларнинг ярмидан кўпида ташхис аниқланмай қолади². Тухумдонлар поликистози синдроми этиопатогенезининг мураккаблиги, ягона назариянинг йўқлиги ва унинг хилма-хил клиник кўринишлари бу касалликни тиббий тадқиқотлар ҳамда жамоат саломатлиги учун муҳим мавзуга айлантиради. Тухумдонлар поликистози синдроми бепуштликка олиб келиши, юрак-қон томир касалликлари, семизлик ва иккинчи тип қандли диабет ривожланиш хавфининг ортиши билан боғлиқ бўлиши, шунингдек психологик муаммолар билан бирга кечиши сабабли, унинг сабабчи омилларини ўрганиш, оптималь даволаш тактикаларини танлаш ва самарали профилактика йўлларини излаш муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда тухумдонлар поликистози синдромининг молекуляр-генетик асосларини ўрганишга қаратилган бир қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада универсал маркерларни излаш, тухумдон гиперандрогенияси ҳамда овулятор дисфункциянинг патогенезини чуқур тушуниш, стероидогенез ферментлари полиморфизмларининг роли ва уларнинг турли клиник фенотиплар ривожланишидаги таъсири, фенотипик хусусиятлар билан ассоциацияланган молекуляр-генетик ва эндокрин-метаболик параметрлар ўртасидаги комплекс ўзаро боғлиқликни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, ушбу тадқиқотлар патологиянинг гетероген табиатини тушуниш, касалликни самарали бошқариш ва олдини олиш бўйича янги стратегияларни, шунингдек диагностика ва даволашнинг инновацион усусларини ишлаб чиқишига йўналтирилган бўлиб, замонавий тиббиётда долзарб илмий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, репродуктив ёшдаги аёлларда учрайдиган турли касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва профилактикаси бўйича чораларни кучайтириш, рақамлаштириш жараёнини тезлаштириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва уларнинг сифатини сезиларли даражада яхшилаш бўйича муайян чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга

¹ Helena Teede et. al. International Evidence-Based Guideline for the assessment and management of polycystic ovary syndrome 2023

² World Health Organization website, 2023., <http://www.who.int/healthinfostatistics>

кўтаришда «бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...» каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, бевосита тухумдонлар поликистози синдромининг турли фенотиплари бўлган репродуктив ёшдаги аёлларни эрта ташхислаш, уларни олиб бориш тактикасини такомиллаштириш, даволаш чораларини оптималлаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022-йил 25-апрелдаги ПҚ-216-сон «2022-2026-йилларда оналик ва болаликни муҳофазасини кучайтириш тўғрисида», 2023-йил 8-сентябрдаги ПҚ-296-сон «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнги хорижий тадқиқотлар таҳлилида тухумдонлар поликистози синдромининг ривожланишида генетик омиллар ва стероидогенез бузилишлари муҳим рол ўйнаши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тухумдонлардаги стероидогенез стероид гормонлар синтези учун зарур бўлган прогестинлар, андрогенлар ва эстрогенларнинг кетма-кет ҳосил бўлишини ўз ичига оладиган ва холестерин модификациясидан бошланадиган реакциялар каскадини ташкил этади.

Тухумдонлар поликистози синдромининг асосий клиник кўринишларидан бири ҳисобланувчи гиперандрогенемия, стероидогенез ферментларини кодловчи генларни, хусусан, цитохром P450 ароматазасини мутациялар учун потенциал нишон сифатида ўрганишга бўлган юқори қизиқишини белгилайди. (Azziz R., Carmina E., 2016). Кўплаб тадқиқотлар стероидогенез ферментлари фаоллигининг ўзгарувчанлигини тасдиқлайди ва стероидогенезга таъсир қилувчи потенциал полиморф маркерлар сифатида цитохром P450 (CYP) оиласи генларини, хусусан, CYP17A1 ва CYP19A1 каби номзод генларни аниқлаган (Ashraf et al., 2021; Комаров и соавт., 2020; Беглова и соавт., 2019; Носкова и соавт., 2019; Kaur et al., 2018; Park et al., 2018).

Ўзбекистонда тухумдонлар поликистози синдроми патогенезининг генетик детерминантларини ўрганишга йўналтирилган қуйидаги тадқиқотлар олиб борилган: “Тухумдонлар поликистози синдромида ёрдамчи репродуктив технологиялар истиқболини белгилашда фолликулагенез бузилишининг молекуляр-генетик предикторлари” (М.Х. Музafferова ва Г.А. Ихтиярова,

2023 й.), “Гиперандрогения мавжуд аёлларда репродуктив бузилишлар ривожланишига олиб келувчи бази потогенетик механизмлари” (Г.Д. Азизова, 2024 й.). Ушбу тадқиқотлар натижалариға күра, CYP17A1 ва CYP19A1 полиморфизмларининг (хусусан, CYP19A1 нинг С/Т ва CYP17A1 нинг G/G генотиплари, шунингдек, CYP19A1 нинг rs2470152 мутант аллелининг тухумдонлар поликистози синдроми хавфи ва гиперандрогенемия билан боғлиқлиги аниқланган. Шу билан бирга синдромнинг клиник кечиш хусусиятлари, патогенетик механизмлари, диагностиканы такомиллаштириш ва даволаш усулларини ишлаб чиқишиң үрганишга бағишлиланган ҳамда эндокрин ва иммунологик профилларни таҳлил қилишни ўз ичига олган бир қатор тадқиқотлар ҳам олиб борилған (Ф.А.Хайдарова, 2010; Д.В.Гуломмаҳмудова, 2023; Б.Ф. Ибрагимов, 2022; У.М. Юсупова, 2019; С.А. Музаффарова, 2019). Шунга қарамасдан, стероидогенез ферментларининг генетик полиморфизмлари ва уларнинг тухумдонлар поликистози синдромининг клиник ўзгарувчанлигига таъсири ҳали ҳам етарлича үрганилмаган, бу эса ушбу йўналишда ишларни давом эттиришни талаб қиласди. Олиб борилған тадқиқотларда турли этник гурухларда СҮР-полиморфизмларининг тухумдонлар поликистози синдромининг шаклланиши таъсирига оид тадқиқотларнинг қарама-қарши натижалари уларни давом эттириш зарурлигини таъкидлайди. Ароматаза фаоллигининг хусусияти ва генетик омилларнинг тухумдонлар поликистози синдроми фенотипларининг шаклланишида ўзаро таъсирининг мумкин бўлган роли масаласи алоҳида эътиборга лойиқдир. Шундай қилиб, ушбу йўналишдаги тадқиқотлар касаллик ривожланишининг патогенетик механизмларидаги фарқларни назарий жиҳатдан тушунишни кенгайтириш имконини беради ҳамда даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқишида дифференциаллаштирилган ёндашувларни кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ИТД-10 «Тиббиётда мавжуд бўлган усул ва технологияларни яратиш ва такомиллаштириш асосида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш» (2021-2024 йй.), № ППИ-10 «Касалликнинг диагностикаси, даволаш ва профилактикасининг янги технологиялари ва усулларини ривожлантириш орқали аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш» мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади репродуктив ёшдаги тухумдонлар поликистози синдроми бўлган беморларни фенотипини хисобга олган холда дифференциал ёндашув усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фаол репродуктив ёшдаги тухумдонлар поликистози синдромининг В ва D фенотипи бўлган аёлларнинг клиник характеристикалари ва репродуктив саломатликнинг айрим кўрсаткичларини аниқлаш.

В ва D фенотипдаги тухумдонлар поликистози синдроми бўлган аёлларда гонадотропинлар ва жинсий стероидлар миқдорини, баъзи биокимёвий кўрсаткичларни, шунингдек, функционал синама асосида тухумдонларнинг ароматаза фаоллигини қиёсий жиҳатдан баҳолаш.

В ва D фенотипдаги тухумдонлар поликистози синдромида стероидогенез ферментларини кодловчи CYP17 ва CYP19 генлари ҳамда андроген рецептори генининг (AR) полиморфизмларини аниқлаш.

Олинган натижалар асосида репродуктив ёшдаги тухумдонлар поликистози синдромининг В ва D фенотиплари бўлган беморларни олиб бориша дифференциаллаштирилган ёндашув имкониятларини асослаш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида 2022-2024 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тибиёт маркази ва “Сиз она бўласиз” хусусий клиникасига (IVF TASH МЧЖ) мурожаат қилган тухумдонлар поликистози синдромининг В ва D фенотипи бўлган 19-35 ёшдаги 80 нафар аёл, шунингдек, регуляр овулятор ҳайз цикли бор шу ёшдаги 20 нафар соғлом аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида 19-35 ёшдаги тухумдонлар поликистози синдромининг В ва D фенотиплари бўлган аёллар учун сўровномалар, қон зардоби, шунингдек, клиник ва лаборатория тестларнинг баҳолаш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуслари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун клиник-биокимёвий, инструментал, молекуляр-генетик ва статистик усуслардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор ўзбек аҳолисига мансуб аёллардаги тухумдонлар поликистози синдромининг В ва D фенотиплари орасида клиник-биокимёвий кўрсаткичлардаги фарқларнинг аниқланганлиги сабабли тухумдонлар поликистози синдромнинг гетерогенлиги исботланган;

илк бор тухумдонлар поликистози синдромининг В ва D фенотипларида ароматаза ферментининг функционал фаоллик даражасидаги фарқлар аниқланганлиги сабабли, даволаш усусларини танлашда дифференциал ёндашувнинг мувофик тамойиллари ишлаб чиқилган;

илк бор ўзбек аҳолисида CYP17A1 (rs743572), CYP19A1 (rs2414096) ва AR (rs6152) генлари полиморфизмларини ўрганиш натижасида, стероидогенез ва андрогенлар ўтказма йўли ўзгаришлари тухумдонлар поликистози синдромининг В ва D фенотиплари ривожланиши билан боғлиқлиги аниқланган ва синдромнинг гетерогенлик хусусияти исботланган.

илк бор CYP17A1 генидаги rs743572 полиморфизмининг салбий G-аллели ва D фенотипи ўртасида ҳамда AR генидаги rs6152 полиморфизмининг салбий A-аллели ва унинг A/A гомозигота генотипи ва B фенотипи ўртасида боғлиқлик аниқланганлиги натижасида, тухумдонлар поликистози синдромининг патогенезида генетик омилларнинг фенотипга хос таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тавсия этилган усулни жорий этилиши натижасида ТПКСнинг В ва D фенотиплари бўлган беморларда ароматаза фаоллигининг фенотипга хос хусусиятлари аниқланган;

тадқиқот натижалари ТПКСли беморларни даволашда стандарт ёндашувдан, ҳар бир бемор учун алоҳида шахсийлаштирилган ёндашувга ўтиш зарурлигини илмий ва амалий жиҳатдан исботлаган;

фенотипга йўналтирилган даволаш принципи репродуктив функцияни тиклаш бўйича тактикани ишлаб чиқишида аниқлик ва самарадорликни оширган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқотда кўлланилган назарий ёндашув ва замонавий усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сони ва танланган материалнинг етарли миқдордалиги, клиник-биокимёвий, инструментал, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги, натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш сифати, шунингдек олинган хуносаларнинг халқаро ва маҳаллий маълумотлар билан таққосланиб, тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тухумдонлар поликистози синдромини фенотипларга ажратиш, уларнинг аҳолининг популациян хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаги клиник-лаборатория белгиларини аниқлаш, биокимёвий ва генетик маркерлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлардаги фарқларни очиб бериш орқали ТПКСнинг патогенетик вариантларининг гетерогенлигини исботлашга хизмат қилиши, шунингдек, терапевтик чораларни танлаш учун дифференциациялашган рационал ёндашувни ишлаб чиқишига имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти патологиянинг турли клиник шаклларида функционал синама орқали ароматаза ферменти фаоллигини аниқлаш ва олинган натижалар асосида ҳар бир беморнинг фенотипини ҳисобга олган ҳолда ароматаза ингибиторларини қўллашнинг дифференциацияланган усулини ишлаб чиқиш, натижада клиник амалиётда персоналлаштирилган даволаш стратегиясини жорий этиш учун илмий-амалий асос яратишга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Тухумдонлар ароматазаси фаоллигини баҳолаш ва турли хил фенотипдаги тухумдонлар поликистози синдроми бўлган беморларни олиб бориш тактикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор ўзбек аҳолисига мансуб аёллардаги тухумдонлар поликистози синдромининг В ва D фенотиплари орасида клиник-биокимёвий кўрсаткичлардаги фарқларнинг аниқланганлиги сабабли тухумдонлар поликистози синдромнинг гетерогенлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Эксперт комиссияси томонидан 2024 йил 30 марта №30 ут/16-сон билан тасдиқланган «Тухумдонлар ароматазаси

фаоллигини баҳолаш ва турли хил фенотипдаги тухумдонлар поликистози синдроми бўлган беморларни олиб бориш тактикаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали гинекология бўлими ва поликлиникасининг аёллар маслаҳат хонасига 10.05.2024 йилдаги 141-сон, шунингдек, Бухоро шахри 1-сонли оиласиий поликлиникаси аёллар маслаҳат хонасига 11.05.2024 йилдаги ва Тошкент шахри 57-сонли оиласиий поликлиникаси аёллар маслаҳат хонасига 7.05.2024 йилдаги 139-14-207-DOP/2024-сон буйруқлари билан амалиётга муваффакиятли жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 августдаги 23/28-сон хulosаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Таклиф этилаётган усул ТПКСнинг турли фенотипларига эга беморларда тухумдонлар ароматаза ферменти фаоллигини аниқлашга қаратилган бўлиб, бу олинган натижалар асосида ҳар бир беморга персоналлаштирилган даволаш тактикасини ишлаб чиқиш орқали ортиқча диагностик текширувларни сезиларли даражада қисқартириш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни амбулатор шароитида даволаш ва лаборатория текширувларига сарфланадиган жами 560000 сўм бюджет маблағлари (прейсквант бўйича бир нафар беморни даволаш нархи 780000 сўм ва лаборатория текширувлари нархи 765000 сўмни ташкил этади) тухумдонлар ароматаза ферменти фаоллигини аниқлаш усулини жорий этиш, юқори сифатли тиббий ёрдам қўрсатиш ва даволаш кунларини камайтириш натижасида иқтисод қилинади. Хулоса. Бу қўрсаткич мазкур инновацион ёндашувнинг юқори иқтисодий самарадорликка эгалигини ва унинг соғлиқни сақлаш тизимида қўлланилиши иқтисодий жихатдан тўлиқ асосланганини тасдиқлайди.

Иккинчи илмий янгилик: илк бор тухумдонлар поликистози синдромининг В ва D фенотипларида ароматаза ферментининг функционал фаоллик даражасидаги фарқлар аниқланганлиги сабабли, даволаш усулларини танлашда дифференциал ёндашувнинг мувофик тамойиллари ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Эксперт комиссияси томонидан 2024 йил 30 марта №30 ут/16-сон билан тасдиқланган «Тухумдонлар ароматазаси фаоллигини баҳолаш ва турли фенотипдаги тухумдонлар поликистози синдроми бўлган беморларни олиб бориш тактикаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали гинекология бўлими ва маслаҳат поликлиникасига 10.05.2024 йилдаги 141-сон, шунингдек, Бухоро шахри 1-сонли оиласиий поликлиникасига 11.05.2024 йилдаги ва Тошкент шахри 57-сонли оиласиий поликлиникаси аёллар маслаҳат хоналарига 7.05.2024 йилдаги 139-14-207-DOP/2024-сон буйруқлари билан амалиётга муваффакиятли жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 августдаги 23/28-сон хulosаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* турли фенотипдаги тухумдонлар поликистози синдроми бўлган аёлларда

ароматаза фаоллигини баҳолаш орқали овуляцияни индукция қилиш учун ароматаза ингибиторларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, беморлар учун энг оптимал ва самарали даволаш усулини танлашга имкон берган *Иқтисодий самарадорлиги*: мазкур касалликни амбулатор шароитида даволаш ва лаборатория текширувларига сарфланадиган жами 560000 сўм бюджет маблағлари (прейскурант бўйича бир нафар bemорни даволаш нархи 780000 сўм ва лаборатория текширувлари нархи 765000 сўмни ташкил этади) тухумдонлар ароматаза ферменти фаоллигини аниқлаш усулини жорий этиш, юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш кунларини камайтириш натижасида иқтисод қилинади. Хулоса. Бу кўрсаткич мазкур инновацион ёндашувнинг юқори иқтисодий самарадорликка эгалигини ва унинг соғлиқни сақлаш тизимида қўлланилиши иқтисодий жиҳатдан тўлиқ асосланганини тасдиқлайди.

учинчи илмий янгилик: илк бор ўзбек аҳолисида CYP17A1 (rs743572), CYP19A1 (rs2414096) ва AR (rs6152) генлари полиморфизмларини ўрганиш натижасида, стероидогенез ва андрогенлар ўтказма йўли ўзгаришлари тухумдонлар поликистози синдромининг В ва D фенотиплари ривожланиши билан боғлиқлиги аниқланган ва синдромнинг гетерогенлик хусусияти исботланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Эксперт комиссияси томонидан 2024 йил 30 марта №30 ут/16-сон билан тасдиқланган «Тухумдонлар ароматазаси фаоллигини баҳолаш ва турли фенотипдаги тухумдонлар поликистози синдроми бўлган bemорларни олиб бориш тактикаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали гинекология бўлими ва маслаҳат поликлиникасига 10.05.2024 йилдаги 141-сон, шунингдек, Бухоро шахри 1-сонли оиласиий поликлиникасига 11.05.2024 йилдаги ва Тошкент шахри 57-сонли оиласиий поликлиникаси аёллар маслаҳат хоналарига 7.05.2024 йилдаги 139-14-207-DOP/2024-сон буйруқлари билан амалиётга муваффақиятли жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 августдаги 23/28-сон хуносаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* турли фенотипдаги тухумдонлар поликистози синдроми бўлган аёлларда генетик маркерларни аниқлаш касалликнинг фенотипга боғлиқ ҳолда кечишини эрта прогнозлаш ва ҳар бир bemорга индивидуал ёндашиш тактикасини белгилашга ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни амбулатор шароитида даволаш ва лаборатория текширувларига сарфланадиган жами 560000 сўм бюджет маблағлари (прейскурант бўйича бир нафар bemорни даволаш нархи 780000 сўм ва лаборатория текширувлари нархи 765000 сўмни ташкил этади) тухумдонлар ароматаза ферменти фаоллигини аниқлаш усулини жорий этиш, юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш кунларини камайтириш натижасида иқтисод қилинади. Хулоса. Бу кўрсаткич мазкур инновацион ёндашувнинг юқори иқтисодий самарадорликка эгалигини ва унинг соғлиқни сақлаш тизимида қўлланилиши иқтисодий жиҳатдан тўлиқ асосланганини тасдиқлайди.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор CYP17A1 генидаги rs743572 полиморфизмининг салбий G-аллели ва D фенотипи ўртасида ҳамда AR генидаги rs6152 полиморфизмининг салбий A-аллели ва унинг A/A гомозигота генотипи ва B фенотипи ўртасида боғлиқлик аниқланганлиги натижасида, тухумдонлар поликистози синдромининг патогенезида генетик омилларнинг фенотипга хос таъсири исботланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Эксперт комиссияси томонидан 2024 йил 30 марта №30 у-т/16-сон билан тасдиқланган «Тухумдонлар ароматазаси фаоллигини баҳолаш ва турли фенотипдаги тухумдонлар поликистози синдроми бўлган беморларни олиб бориш тактикаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали гинекология бўлими ва маслаҳат поликлиникасига 10.05.2024 йилдаги 141-сон, шунингдек, Бухоро шаҳри 1-сонли оиласиий поликлиникасига 11.05.2024 йилдаги ва Тошкент шаҳри 57-сонли оиласиий поликлиникаси аёллар маслаҳат хоналарига 7.05.2024 йилдаги 139-14-207-DOP/2024-сон буйруқлари билан амалиётга муваффакиятли жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридан Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 августдаги 23/28-сон холосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* турли фенотипдаги тухумдонлар поликистози синдроми бўлган аёлларда генетик маркерларни аниқлаш касалликнинг фенотипга боғлиқ ҳолда кечишини эрта прогнозлаш ва ҳар бир беморга индивидуал ёндашиш тактикасини белгилашга ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни амбулатор шароитида даволаш ва лаборатория текширувлари сарфланадиган жами 560000 сўм бюджет маблағлари (прейскурант бўйича бир нафар беморни даволаш нархи 780000 сўм ва лаборатория текширувлари нархи 765000 сўмни ташкил этади) тухумдонлар ароматаза ферменти фаоллигини аниқлаш усулини жорий этиш, юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш кунларини камайтириш натижасида иқтисод қилинади. Холоса. Бу кўрсаткич мазкур инновацион ёндашувнинг юқори иқтисодий самарадорликка эгалигини ва унинг соғлиқни сақлаш тизимида қўлланилиши иқтисодий жиҳатдан тўлиқ асосланганини тасдиқлади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.

Диссертация иши натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда жумладан, 5 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги анжуманларда мухокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациясининг «**Тухумдонлар поликистози синдроми: клиник-биокимевий ва генетик жиҳатлари (адабиётлар шархи)**» деб номланган биринчи бобида халқаро тадқиқот базаларидан олинган илмий адабиётлардан фойдаланган ҳолда адабиётлар таҳлили келтирилган. Ушбу илмий адабиётлар шархи тухумдонлар поликистози синдроми (ТПКС) муаммосига замонавий ёндашувларни ёритади. Шунингдек, унда ароматаза фаоллигидаги ўзгаришларнинг касаллик патогенезидаги роли, терапевтик ёндашувлар, ТПКС этиопатогенезининг генетик жиҳатлари ҳамда стероидогенез ферментларининг фаоллигига таъсир қилувчи номзод генлар ва уларнинг замонавий тадқиқот натижалари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг «**Клиник материал ва тадқиқот усулларининг характеристикаси**» деб номланган иккинчи бобида ушбу тадқиқот клиник материалларининг умумий тавсифи ва қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун қўлланилган усуллар баён этилган. Тадқиқотга асосий гуруҳ сифатида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Тошкент шаҳридаги “Сиз она бўласиз” (IVF TASH МЧЖ) хусусий клиникасига мурожаат қилган фаол репродуктив ёшдаги (19-35 ёш) 80 нафар ўзбек популяциясига мансуб аёллар киритилган. Шунингдек, соғлом аёллардан иборат икки назорат гуруҳи шакллантирилган. Тухумдонлар поликистози синдроми (ТПКС) ташхиси ушбу беморларда Европа Инсон репродукцияси ва эмбриологияси жамияти (ESHRE) ҳамда Америка репродуктив тиббиёт жамияти (ASRM) нинг 2003 йилги Роттердам консенсуси мезонларига мувофиқ қўйилган.

Тадқиқотнинг I босқичида ТПКСнинг клиник симптомлари бўлган 80 нафар репродуктив ёшдаги аёлнинг проспектив текшируви ўтказилган. Беморларни текшириш анамнестик маълумотларни йиғишини, клиник-лаборатор ва инструментал тадқиқот усулларини ўтказишни ўз ичига олган.

Тадқиқотга киритиш мезонлари қўйидагилардан иборат бўлган: ТПКСнинг В ва D фенотипидаги аёллар, ёши 19 ёшдан 35 ёшгacha бўлган, текширувдан олдин 3 ой давомида гормонотерапиянинг бекор қилинганлиги, аёлнинг тадқиқотда иштирок этишга розилиги.

Тадқиқотдан чиқариш мезонлари қуйидагилардан иборат бўлган: ТПКСнинг А ва С фенотипидаги аёллар, рақобатдош касалликлари бўлган bemорлар (Туғма буйрак усти безлари гиперплазияси (ТБУБГ), идиопатик гирсутизм, бирламчи гипотиреоз, гиперпролактинемия, Кушинг касаллиги/синдроми, вирилизацияловчи ўсмалар, гипоталамо-гипофизар дисфункция), ҳомиладорлар.

Тадқиқотнинг II босқичи доирасида тадқиқот вазифаларини ҳал қилиш учун қуйидаги кичик гурухлар ажратилган: 1-кичик гурух ($n=45$) - ТПКСнинг В фенотипидаги (андроген, ановулятор) bemорлар; 2-кичик гурух ($n=35$) - ТПКСнинг D фенотипидаги (ноандроген) bemорлар; назорат гурухи 1 ($n=20$) - ТПКС бўлмаган репродуктив ёшдаги соматик жиҳатдан соғлом аёллардан иборат бўлиб, уларда лаборатор-инструментал усуслар ёрдамида текширув ўтказилган; назорат гурухи 2 ($n=75$): ТПКС бўлмаган репродуктив ёшдаги аёллардан иборат бўлиб, уларда молекуляр-генетик текширув ўтказилган.

Клиник текширувлар bemор шикоятлари, касаллик анамнези, оилавий анамнез, шунингдек перинатал даврга оид маълумотлар (онананинг ҳомиладорлиги ва туғиши жараёни, туғилишдаги бўйи ва вазни), ўтказилган касалликлар, травмалар, оператив аралашувлар ва аввал ўтказилган даволашни ўз ичига олган батафсил анамнез йиғилган. Ҳайз цикли таҳлилида менархе ёши, бирламчи/иккиламчи олигоменорея ёки аменореянинг пайдо бўлиш вақти, цикллар давомийлиги баҳолангандан, шунингдек, цикл бузилишларининг потенциал триггерлар билан боғлиқлиги аниқланган: гормонал препаратларни қабул қилиш, турмуш тарзидағи ўзгаришлар ва стресс таъсири. Ҳайз циклини баҳолаш FIGO томонидан 2018 йилда белгиланган нормал цикл мезонлари ёрдамида амалга оширилган.

Физик текширувда антропометрик кўрсаткичлар (тана тузилиши, бўй, тана массаси индекси ТМИ) баҳолангандан. Ёғ тўқимасининг тақсимоти ва семизлик типини баҳолаш бирламчи кўриқда бел ва сон айланасининг нисбатини (БА/СА) ҳисоблаш орқали амалга оширилган. Гирсутизм даражаси Ferriman-Gallwey шкала бўйича баҳолангандан, бу усул клиник амалиётда кенг кўлланилади ва соч ўсишининг 9 та соҳада 0 дан 4 гача балл билан баҳолашга асосланган. Гирсут сони 7 баллдан юқори бўлса, бу гирсутизм белгиси деб ҳисобланган.

Кичик чаноқ аъзоларининг ултратовуш текшируви (УТТ) КСБ РИОвБСИАТМ ултратовуш диагностикаси бўлимида, спонтан ёки прогестаген ёрдамида чақирилган ҳайз циклининг 5–7-кунлари «Миндрей DC 70» ултратовуш абдоминал ва трансвагинал сканерлари (абдоминал ва трансвагинал) ёрдамида ўтказилган ва тухумдонларнинг ўлчамлари, фолликуляр аппарат ҳолати ва ҳажмли ўсмалар мавжудлиги баҳолангандан.

ТПКС бўлган барча 80 нафар bemорларда лаборатор тадқиқот усуслари гормонал, биокиёвий ва молекуляр-генетик текширувлар ўтказилган. Гормонал текширувлар гонадотроп гормонлар (ФСГ, ЛГ, ТТГ, пролактин), антимюллер гормони (АМГ), эстрadiол, дегидроэпиандростерон-сулфат (ДГЭА-С), 17-гидроксипрогестерон (17-ОП) ва кортизол текширувни ўз ичига олган. Таҳлиллар ҳайз циклининг 3–5-кунларида, ҳам спонтан ҳайзларда,

ҳам прогестаген қабулидан кейин РИОвАБСИАТМ лабораториясида иммунфермент анализ (ИФА) усули ёрдамида аниқланган.

Углевод алмашинувининг ҳолати ҳисобий қўрсаткичлар ёрдамида, хусусан, гомеостаз модели (НОМА-IR) орқали баҳоланган. Гомеостаз модели НОМА-IR қўйидагича ҳисобланади:

НОМА-IR = Оч қоринга плазмадаги инсулин даражаси ($\text{мкЕд}/\text{мл}$) \times оч қоринга плазмадаги глюкоза даражаси ($\text{ммоль}/\text{л}$) / 22,5; балларда.

НОМА индекси меъёрий қийматлари ёшга қараб фарқ қиласди, катталар учун меъёрий чегара 2,7 деб қабул қилинган. Ушбу қўрсаткичдан ошиш инсулинга резистентлик мавжудлигидан далолат берган.

В ва D фенотипдаги ТПКСли bemorlarда летрозол синамаси ёрдамида овариал ароматаза фаоллиги баҳоланган. Летрозол синамаси ҳайз циклиниң 2-кунида ўтказилган. Антрап фолликулаларнинг ароматаза фаоллигини миқдорий баҳолаш учун қўйидаги ҳисобий коэффициент (K) ишлатилган:

$$K = \Delta E_2 / AMG, \text{ бу ерда:}$$

K – тухумдон антрап фолликулаларнинг ароматаза фаоллиги коэффициенти; ΔE_2 – 10 мг летрозолни бир мартада қабул қилгандан 48 соат ўтиб қонда эстрадиол концентрациясининг бошланғич даражага нисбатан пасайиши (pmol/l) ($\Delta E_2 = E_2\text{бошланғич} - E_2\text{ 48соатдан кейин}$); AMG – қонда бошланғич антимюллор гормони концентрацияси (ng/ml).

Антрап фолликулаларнинг ароматаза фаоллиги K коэффициенти бўйича қўйидагича баҳоланган: паст ароматаза фаоллиги: $K < 9,1$; нормал ароматаза фаоллиги: $9,1 \leq K \leq 27,3$; юқори ароматаза фаоллиги: $K > 27,3$. K коэффициентининг ушбу чегаравий қийматлари илгари ўтказилган тадқиқотларда белгиланган [патент №2013147216, 22.10.2013].

Тухумдонлар поликистози синдроми В ва D фенотиплари билан полиморф ген вариантлари ассоциациясини таҳлил қилиш учун “ҳолат-назорат” ва “ҳолат-ҳолат” типидаги тадқиқотлар ўтказилган. Тадқиқотда учта ягона нуклеотидли полиморфизм (SNP): CYP17A1 генидаги rs743572, CYP19A1 генидаги rs2414096 (манбада CYP19A1_2 сифатида қўрсатилган) ва AR генидаги rs6152 полиморфизмлари таҳлил қилинган. Молекуляр-генетик тадқиқотлар Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази Молекуляр тиббиёт ва ҳужайра технологиялари бўлимида (бўлим раҳбари – профессор Каримов Х.Я.) амалга оширилган (Шартнома №2 РИГИАТМ 2024-2025).


Статистик маълумотларни қайта ишлаш шахсий компьютерда маҳсус дастурий таъминот ёрдамида амалга оширилган. Дескриптив статистик таҳлил доирасида миқдорий қўрсаткичлар учун арифметик ўртача қиймат (M), стандарт оғиши (σ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m) ҳамда нисбий қўрсаткичлар (частота, %) ҳисоблаб чиқилган. Мустақил танламаларда ўртача қийматларни таққослаш учун Студент т-тести (t-критерий) қўлланилган. Статистик таҳлил, шу жумладан ассоциацияларни ҳисоблаш (OR, χ^2), “OpenEpi 2009, Vercion 2.3” дастурий пакети ёрдамида бажарилган. Hardy-Weinberg мувозанатини текшириш “GenePop” дастурида амалга оширилган.

Диссертациясининг «Репродуктив ёшдаги аёлларда тухумдонлар поликистози синдроми В ва D фенотипларининг клиник хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон ҳудудига мансуб В ва D фенотипидаги ТПКСли этник гурух аёлларининг клиник ва антропометрик хусусиятлари таҳлил қилинган. Фенотипларнинг клиник хусусиятларини чукур ўрганиш, уларнинг этник ва минтақавий омиллар билан боғлиқ бўлган ўзига хос намоён бўлиш шаклларини аниқлаш имконини берган. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир беморнинг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, мослаштирилган диагностика ва даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш учун муҳим асос яратган. Фенотипларни таҳлил қилишда замонавий илмий тадқиқотлар натижалари, клиник кузатувлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг сўнгти тавсиялари асос қилиб олинган.

Аёлларда анамнестик маълумотларнинг қиёсий баҳоси ўtkазилган. Репродуктив саломатлиги маълумотларининг таҳлили жараёнида менархе ёши, ҳайз функциясининг шаклланиш хусусиятларини, ҳомиладорлик сони ва уларнинг натижалари ўрганиб чиқилган.

Ҳайз цикли хусусиятлари ва менархе ёши таҳлили натижаларига кўра, гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқ аниқланган ($p<0,05$): В фенотипида менархе ёши $13,6\pm0,4$ йил, D фенотипида $12,4\pm0,2$ йил, назорат гуруҳида эса $13,2\pm2,4$ йилни ташкил этган.

Ҳайз цикли бузилишлари ТПКСли беморларнинг умумий ҳисобда 68,7% (55 нафар) да қайд этилган. В фенотипида 24,4% (11 нафар), D фенотипида 23% (8 нафар) беморда ҳайз цикли мунтазам бўлган. Пубертрат даврида аномал бачадон қон кетишлари В фенотипида 8,9% (4 нафар), D фенотипида 25,7% (9 нафар) да кузатилган. Олигоменорея В фенотипида 53,3% (24 нафар), D фенотипда 45,7% (16 нафар) да аниқланган. Иккиламчи аменорея В фенотипида 13,3% (6 нафар), D фенотипида эса 5,7% (2 нафар) беморда қайд этилган. Шундай қилиб, В ва D фенотипидаги гуруҳлар ўртасида асосий клиник қўрсаткичлар (олигоменорея, II аменорея, регуляр ҳайз цикли ва бошқалар) бўйича статистик аҳамиятли фарқ аниқланмаган (1-расм).



1-Расм. В ва D фенотипидаги ТПКСли беморларнинг ҳайз функциясининг хусусиятлари.

ТПКС нинг В ва D фенотипидаги репродуктив ёшдаги аёлларда антропометрик кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Бўй кўрсаткичлари таҳлилида гурухлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқлар қайд этилмаган. Бироқ, тана вазни ва тана массаси индекси (ТМИ) таҳлили натижалари гурухлар ўртасида статистик аҳамиятга эга фарқлар мавжудлигини кўрсатган ($p<0,05$). ТМИ қийматлари $18,4 \text{ кг}/\text{м}^2$ дан $30,1 \text{ кг}/\text{м}^2$ гача бўлиб, В фенотипидаги беморларда ўртача $21,2 \pm 0,5$, D фенотипидаги беморларда $24 \pm 0,7$, назорат гурухида эса $22,9 \pm 0,64$ ни ташкил этган. Ортиқча тана вазни В фенотипли гурухда 8,9% (4 нафар), D фенотипли гурухда эса 28,5% (10 нафар) иштирокчиларда аниқланган. 1-даражали семизлик фақат D фенотипли гурухда қайд этилиб, унинг учраши 11,4% (4 нафар) ни ташкил этган. В фенотипли аёлларда семизлик ҳолатлари аниқланмаган (1-жадвал).

Ёғ тўқимаси тақсимотини баҳолаш мақсадида бел ва сон айланаси нисбатлари (БА/СА индекси) ҳисобланган. D фенотипли гурухда ушбу кўрсаткич ўртача $0,86 \pm 0,06$ ни ташкил этиб, меъёрий қийматдан (0,85) бироз юқори бўлган. В фенотипли ва назорат гурухларида эса бу кўрсаткичлар мос равишда $0,83 \pm 0,04$ ва $0,82 \pm 0,07$ бўлиб, меъёр доирасида қайд этилган. БА/СА индекси бўйича гурухлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмаган ($p>0,05$) (1-жадвал).

1-жадвал.


Таққосланаётган гурухлардаги аёлларнинг антропометрик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Фенотип В (Андроген, n= 45)	Фенотип D (Ноандроген, n= 35)	Назорат (n= 20)
Бўйи, см	$165,2 \pm 0,5$	$164,3 \pm 0,4$	$165,0 \pm 1,51$
Вазни, кг	$57,6 \pm 1,8^*$	$64,5 \pm 2,7$	$62,5 \pm 1,04$
ТМИ	$21,2 \pm 0,5^*$	$24 \pm 0,7^{*\wedge}$	$22,9 \pm 0,64$
Menarхе	$13,6 \pm 0,4$	$12,4 \pm 0,2$	$13,2 \pm 2,4$
БА, см	$77,2 \pm 1,2$	$85 \pm 2,8$	$75,4 \pm 1,5$
СА, см	$92,6 \pm 1,4$	$98,3 \pm 1,6$	$91,8 \pm 2,8$
БА/СА	$0,83 \pm 0,04$	$0,86 \pm 0,06$	$0,82 \pm 0,07$

Эслатма: *- назорат гурухига нисбатан маълумотларнинг ишончлилиги ($P<0,05$); ^ - В фенотипидаги гурухга нисбатан маълумотларнинг ишончлилиги ($P<0,05$)

В ва D фенотипли беморларда тери соchlанишининг оғирлик даражаси Ferriman-Gallwey шкаласи ёрдамида баҳоланган. Тадқиқот натижаларига кўра, Ferriman-Gallwey кўрсаткичлари В фенотип (андроген) гурухида D фенотип (ноандроген) ва назорат гурухига нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятли юқори бўлган (ИС – $5,6 \pm 0,3$; ГС – $11,8 \pm 0,5$; умумий ГИС – $17,4 \pm 0,8$; $p<0,05$). D фенотипда бу кўрсаткичлар норматив қийматлардан ошмаган бўлса-да, назорат гурухига нисбатан статистик аҳамиятли юқорилиги қайд этилган (ИС $3,2 \pm 0,2$ га нисбатан $2,5 \pm 0,26$; ГС $5,4 \pm 0,7$ га нисбатан $1,4 \pm 0,3$; умумий ГИС

$8,6 \pm 0,9$ га нисбатан $3,9 \pm 0,6$; $p < 0,05$). В фенотипли беморларнинг 64,4% ида (29 нафар) гирсузизм, 58% ида (26 нафар) эса, асосан юз ва орқа соҳасида акне аниқланган. Тери ёғланиши ва андроген типидаги соч тўкилиши 35,5% (16 нафар) В фенотипли аёлларда кузатилган. Д фенотипли ва назорат гуруҳида гирсузизм ва акне бўйича шикоятлар қайд этилмаган (2-расм).



2-Расм. ТПКСнинг В ва D фенотипидаги беморларда тери қопламларидағи соч ўсиши даражасини баҳолаш.

В ва D фенотипини ҳисобга олинган ҳолда мурожаат сабабларини таҳлил қилиш натижасида, энг кўп учрайдиган сабаб бирламчи бепуштлик эканлиги аниқланган. В фенотипидаги беморларда бирламчи бепуштлик 62,2% ($n=28$), D фенотипида эса 57,1% ($n=20$) ни ташкил этган. Иккиламчи бепуштлик ҳолатлари камроқ қайд этилган: В фенотипида 15,5% ($n=7$), D фенотипида эса 14,2% ($n=5$) ни ташкил этади. Одатий ҳомила ташлаш ҳолатига оид мурожаатлар В фенотипи гуруҳида 11,1% ($n=5$), D фенотипи гуруҳида эса 17,1% ($n=6$) ни ташкил этган. Фертиллик билан боғлиқ бўлмаган ҳайз функцияси бузилишлари (ХФБ) В фенотипида 11,1% ($n=5$), D фенотипида эса 11,6% ($n=4$) беморларда кузатилган. В ва D фенотипли беморларда мурожаатлар сабабларининг тузилиши умумий жиҳатдан ўхшашиб бўлиб, айrim категориялар бўйича фоизларда статистик аҳамиятсиз фарқлар мавжуд бўлган.

В ва D фенотипли аёлларда ултратовуш белгиларининг асосий хусусиятлари қуйидагича таърифланган: В фенотипли аёлларда ҳар бир тухумдон ҳажми 8,4 дан 10,0 cm^3 гача ўзгарган. Тухумдондаги антрал фоллиулларнинг ўртача сони $10,3 \pm 2,5$ (4 дан 12 гача) бўлиб, бу кўрсаткич нормал ҳисобланади. D фенотипли аёлларда эса тухумдон ҳажми 10,3 дан 14,5 cm^3 гача бўлиб, бу ТПКС бўлмаган аёлларга нисбатан юкори кўрсаткичdir. Ушбу гуруҳда тухумдондаги антрал фоллиулларнинг ўртача сони $18,5 \pm 1,5$ (12 дан 25 гача) ни ташкил этган ва бу ҳам ТПКС бўлмаган аёлларнинг кўрсаткичларидан юкори ҳисобланган.

Шундай қилиб, тухумдонлар поликистози синдромининг клиник кўринишлари касалликнинг муайян фенотипи билан боғлиқ равища сезиларли даражада фарқланади. Ушбу фарқлар гормонлар ва биокимёвий маркерлар даражасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, турли клиник симптомларнинг асосини ташкил этади.

Диссертациянинг «Тухумдонлар поликистози синдроми В ва D фенотипларининг айрим гормонал ва биокимёвий хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида ТПКСнинг В ва D фенотипидаги беморларнинг гормонал ва биокимёвий ҳолатининг асосий кўрсаткичларини таққослаш ҳамда тухумдонларнинг ароматаза фаолиятини баҳолашга бағищланган. Тухумдонлар ароматазаси фаолияти, ароматаза ингибитори ёрдамида ўтказилган функционал синама орқали аниқланган. Ўтказилган гормонал тадқиқотлар ТПКС бўлган аёлларнинг гормонал ҳолатига хос хусусиятларни аниқлаш имконини берган.

Тақдим этилган гормонлар ҳақидаги маълумотлар таҳлили гуруҳлар ўртасидаги қуйидаги фарқларни кўрсатган: қон зардобидаги гонадотропин даражалари клиник гуруҳдаги беморларда ноаниқ кўринишда бўлиб чиқган. Фолликулстимулловчи гормон (ФСГ) ўртача қийматлари назорат гуруҳига нисбатан пастроқ бўлган, аммо статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ фақат В фенотипидаги беморларда аниқланган. Лютеинловчи гормон (ЛГ) даражаларида статистик аҳамиятга эга фарқлар кузатилган. ТПКСнинг В ва D фенотипидаги беморларда ЛГ даражалари назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори бўлган. ЛГ/ФСГ нисбатининг 2 дан юқори бўлиши, ТПКС га хос белги сифатида, В фенотипидаги гуруҳда энг юқори частотада (57,8% - 26 ҳолат) қайд этилган, D фенотипидаги беморларда эса ушбу гормонлар нисбати 14,3% (5 ҳолат) ни ташкил этган. Пролактин гормони кўрсаткичлари тадқиқот қилинган гуруҳлар ўртасида деярли бир хил бўлиб, норматив чегараларда жойлашган. Шунга ўхшаш равища, тиреотроп гормони (ТТГ) даражалари ҳам гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатмаган ва норматив қийматлар доирасида қолган.

2023 йилда ТПКС бўлган беморларни олиб бориш ва даволаш бўйича халқаро йўриқнома янгилangan, бу эса анти-Мюеллер гормони (АМГ) даражаларини диагностик асосга киритишни ўз ичига олган. Диагностика бўйича ушбу янгилик тухумдонлар поликистози синдромининг (ТПКС) кўп қиррали табиатини янада яхши тушунишга ёрдам беради. АМГ даражаси тухумдонларнинг функционал ҳолатини ва аёлларнинг потенциал репродуктивлигини баҳолаш учун муҳим маркер сифатида эътироф этилган. Ушбу тадқиқотда тухумдонлар поликистози синдромининг В ва D фенотипларида анти-Мюеллер гормони (АМГ) даражаларининг таққосий баҳоланиши амалга оширилган. Натижалар гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни кўрсатган. Тадқиқот қилинган гуруҳлар орасида АМГ ўртача қийматлари энг юқори D фенотипидаги беморларда (ноандроген) қайд этилган, бироқ, В фенотипидаги беморларда (андроген) АМГ ўртача қийматлари назорат гуруҳига максимал даражада яқин бўлган (2-жадвал).

2- жадвал

ТПКС нинг В ва D фенотипидаги беморларда ва назорат гурухида гормонал кўрсаткичлар

Гормонлар	Фенотип В (Андроген) (n= 45)	Фенотип D (Ноандроген) (n= 35)	Назорат (n= 20)	P
ФСГ, МЕ/Л	3,8±0,6*	5,4±0,8	7,62±0,54^	< 0,001*^
ЛГ, МЕ/Л	13,7±1,5*	11,5±1,0*	7,51±0,68^	< 0,001*^
Пролактин, нг/мл	13,5±1,4	10,6±1,3	12,77±2,34	0,045
ТТГ, мкМЕ/мл	2,4±0,8	1,9±0,3	2,11±0,36	0,652
АМГ, нг/мл	8,2±1,6 *	12,4±1,1*	6,9±0,5	< 0,001*

Эслатма: * - назорат гурухига нисбатан маълумотларнинг ишоччилиги ($P<0,05-0,01$);
 ^ - В фенотипидаги кўрсаткичларга нисбатан маълумотларнинг ишончлилиги ($P<0,05-0,01$);

Тадқиқотда турли фенотиплар бўйича стероид гормонлар даражаларини ўрганиш кортизол, тестостерон, эстрадиол ва дегидроэпиандростерон сулфат (ДГЭА-С) концентрацияларини аниқлашни ўз ичига олган. СГБГ даражасини ўрганиш билан бирга, эркин андрогенлар индекси (ЭАИ) хисобланган. Кортизол даражаси ТПКС нинг В ва D фенотипидаги беморларда назорат гурухига нисбатан бироз паст бўлди, аммо фарқ статистик аҳамиятсиз ва нормал қийматлар доирасида бўлган. В фенотипли беморларда тестостерон даражалари максимал, эстрадиол даражалари эса минимал бўлиб, бу "андроген тухумдан етишмовчилиги" белгилари билан мос келган. D фенотипида эса тестостерон ва эстрадиол кўрсаткичлари назорат гурухига нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни кўрсатмаган. Дегидроэпиандростерон сулфат (ДГЭА-С) даражаси В ва D фенотипларида назорат гурухига нисбатан статистик жиҳатдан юқори бўлиб, В фенотипида энг юқори қийматларни намоён қилган. СГБГ ўртacha концентрациялари ҳар иккала фенотип гурухига назорат гурухига нисбатан статистик аҳамиятсиз ўртacha пасайган. Эркин андрогенлар индекси (ЭАИ) эркин андрогенлар ва умумий андрогенлар орасидаги нисбатни акс эттирувчи муҳим кўрсаткичdir. Аёлларда ЭАИ учун норматив қийматлар 0,5 дан 4,5 гача фарқ қиласи, бу эса менструация циклига ва бошқа омилларга боғлиқ. Ўтказилган тадқиқотда ЭАИ кўрсаткичлари нормал қийматлар доирасида бўлган, аммо назорат гурухига нисбатан фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган. Энг юқори ЭАИ қийматлари В фенотипли гуруҳда 3,6% ни ташкил этган. D фенотипли гуруҳда бу кўрсаткич 1,8% ни ташкил этган бўлса, назорат гурухига ЭАИ қиймати 0,98% бўлган. Натижалар тадқиқот қилинган гурухлар ва назорат гурухи ўртасида ЭАИ даражаларидағи сезиларли фарқни кўрсатади, бу эса фенотипнинг эркин андрогенлар даражасига таъсирини англатиши мумкин. (3-жадвал).

Шундай қилиб, гурухлар ўртасидаги гормон даражаларида хусусан, тухумдон-гипофиз тизими билан боғлиқ гормонлар бўйича фарқлар эндокрин

тизим фаолиятидаги ноаниқ ўзгаришларни қўрсатади. Ушбу фарқлар ТПКС нинг турли этиопатогенетик механизмлар билан боғлиқ касаллик сифатида патофизиологиясини тушунишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

3-жадвал

ТПКС нинг В ва D фенотипидаги беморларда ва назорат гурухида ўрганилган стероид гормонлар ва СГБГ даражалари

Гормонлар	Фенотип В (Анддроген, n= 45)	Фенотип D (Ноанддроген, n= 35)	Назорат (n= 20)	P
Кортизол, нмоль/л	155,8±10,7	162,0±27,4	170,1±18,32	0,887
T, нмоль/л	1,8±0,5*	0,9±0,4*^	0,52±0,7^	< 0,001*^
E ₂ , пмоль/л	144,9±76,3*	286,6±91,6^	318,4±5,62^	< 0,001*^
ДГЭА-С, мкмоль/л	3,7±0,2*	2,4±0,1*^	1,5±0,4^	< 0,001*^
СГБГ, нмоль/л	49,3±2,7	48,5±2,4	53,16±3,25	0,431
ЭАИ	3,6%*	1,8%*^	0,98%^	< 0,001*^

ТПКСнинг В ва D фенотипидаги аёлларда метаболик ҳолатни баҳолаш мақсадида глюкоза ва инсулинни оч қоринга ўлчаш орқали НОМА индексини ҳисоблаш бўйича таққосий таҳлил ўтказилган. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида бир қатор гурухлараро фарқлар аниқланган. Оч қориндаги инсулин даражалари В ($10,4\pm0,7$ мкЕд/мл, p<0,05) ва D фенотипли гурухларда ($13,1\pm1,1$ мкЕд/мл, p<0,05) назорат гурухига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори бўлган ($6,9\pm0,1$ мкЕд/мл). Фенотиплар ўртасида инсулин даражаси таққосланганда ҳам фарқлар кузатилган, хусусан, D фенотипли гурухда инсулин даражасининг В фенотипли гурухга нисбатан статистик жиҳатдан юқори эканлиги аниқланган (p<0,05), бу D фенотипида инсулинерезистентликнинг янада кучлироқ эканлигини қўрсатган.

НОМА индекси қийматлари назорат гурухига нисбатан ҳар иккала фенотипда ҳам статистик жиҳатдан юқори бўлган (p<0,05). Инсулин даражасига ўхшаб, НОМА индекси D фенотипли гурухда ($2,6\pm0,1$, p<0,05) В фенотипли ($1,7\pm0,1$, p<0,05) ва назорат гурухи ($1,1\pm0,15$) билан таққослаганда статистик жиҳатдан юқори эканлиги тасдиқланган.

Олинган натижаларга асосланган ҳолда инсулинерезистентлик частотаси фенотипга қараб баҳоланган. D фенотипли аёлларда инсулинерезистентлик частотаси 37,9% ни ташкил этган. В фенотипида эса пастроқ инсулинерезистентлик частоталари (17,5%) қайд этилган. (3-расм).


4-жадвал

ТПКС нинг В ва D фенотипидаги беморларда ва назорат гурухида углеводлар алмашинувининг баъзи кўрсаткичлари

